

Гарчанд чор хукумати агдарилган бўлса-да, лекин унинг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулми шўро давлати томонидан изчиллик билан давом эттирилди. Чоризм давридаги хак-хукуксизлик, адолатсизлик, киргин-барот ва миллий бойликларнинг таланиши энг юкори чўккига кўтарилиди. Тарихда кўрилмаган бундай фожиаларнинг барчаси салтанатпастлик ва коммунистик гоянинг маҳсули эди, холос. XX аср 30-йилларида Олмонияда хокимиятни эгаллаган фашистларнинг гояси хам улугмиллатчилик ва салтанатпастлик асосига курилган эди. Уларнинг иркчилик назарияси инсоният бошига не-не киргин-баротларни келтирмади, дейсиз.

Фашистлар 1939 йилда Иккинчи жаҳон урушини бошлаб юбордилар. 1941 йил 22 июнда эса собик Совет Иттифоқига хужум килдилар.

Ушбу уруш бир халк ва бир мамлакатнинг бошига тушган оғат бўлмай, умумжахон хаёти ва келажагини барбод этувчи даҳшатли ходиса эди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг бу урушдаги иштироки кандай бўлган, деган савол тугилиши табиийдир. Ўзбекистон мудофаанинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлади. Чунончи, уруш йилларида ахоли томонидан мудофаа жамгармасига 649,9 милён сўм накд пул, 4 миллиард 226 милён сўм заём пули, 52,9 кило олтин ва кумуш топширилди. Армияга 7 518 800 гимнастёрка, 2 636 700 пахталик, 2 221 200 этик ва кўнжли ботинка юборилди. Енгил саноат вазирлиги корхоналари томонидан фронтга 246 918 700 сўмлик маҳсулот жўнатилган.

Кийинчилик ва хомашё етишмаслигига карамасдан, Тошкент тўқимачилик комбинати фронт учун 410 милён метр газлама ишлаб чикарди. Шунингдек, кўп микдорда озиқ-овкат маҳсулотлари жўнатилди. Чунончи, 1 282 000 тонна галла, 482 000 тонна картошка ва сабзавот, 1000 тонна полиз маҳсулоти, курук ва хўл мевалар шулар жумласидандир. Факат 1941 йилнинг иккинчи ярмида 59 минг бош от фронтга олиб кетилди. Республиканинг хар бир вилояти, шахар ва тумани хамда айrim шахслар жангчиларга ёрдам кўлларини чўздилар. Масалан, 1942 йилнинг бошларида Бухоро вилоятидан 4059 жуфт иссик кийим, 9380 жуфт жун пайпок ва кўлкоп, 5660 калпок, 2750 шим, 3000 пўстин, 18,5 минг литр вино, курук мевалар олинди. 1943 йилнинг бошларида Ленинградга Андижон вилоятидан 7884 кило ун ва бугдой, 5496 кило ёрма бугдой, 1160 кило гуруч, 418 бош кўй, 8510 кило курук мева, Коракалпогистондан 224916 сўм накд пул, 21614 кило бугдой, 5819 кило гўшт, 3700 кило гуруч жўнатилди.

Коракалпогистондаги Мўйнок балик комбинатидан 20 милён банка гўшт ва балик консерваси олинган эди. Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари хам жангчилардан хеч нимани аямадилар. 1942 йилнинг кузида Сурхондарёдан 5998 бош корамол, 18 тонна асал, 28 тонна ёг, 31 тонна курук мева, 3000 литр вино олинди. Тошкентдан 52 вагонда озиқ-овкат маҳсулотлари юборилди. 1943 йили Сурхондарё вилояти фронт эҳтиёжлари учун 14 милён сўм накд пул, 330 тонна гўшт ва ёг, 530 тонна бугдой, 180 тонна курук мева, 33168 дона тери топшириди.

Кийим-бош ва озиқ-овкат маҳсулотларини Самаркан, Наманган, Хоразм ва бошка вилоятлар хам фронтга жўнатиб турганлар. Шунингдек, хукумат вакиллари томонидан вагонларда катта микдорда совгалар олиб кетилганлиги хакида маълумотлар мавжуд. Масалан, 1942 йили республиканинг бир гурух вакиллари Ленинградга 600 вагон ун ва гўшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон курук мева олиб борганлар.

Урушнинг тўрт йили давомида Ўзбекистон давлатга 4 806 000 тонна пахта, 54067 тонна

Муаллиф:  
21.07.2014 07:12 -

пилла, 1 066 000 тонна галла, 195 000 тонна шоли, 108 000 тонна картошка, 374 000 тонна сабзавот ва хўл мева, 35289 тонна курук мева, 57444 тонна узум, 1 593 000 тонна гўшт, 5 286 000 дона тери топширгани маълум. Улар хам мудофаа эҳтиёжлариға сарфланган, албатта. Бундан ташкари, уруш йилларида Ўзбекистон ахолиси мудофаа жамгармасига жами 649 900 000 сўм накд пул ўтказиб берган.

Ўзбек халки харбий хизматчиларнинг оиласлариға хам катта ёрдам берган. Чунончи, 1943 йили уларга 13 858 500 сўм пул, 1 308 400 кило озик-овкат, 20 750 кийим-бош, 40 000 кубометр ёкилги, 73 500 пуд галла, 10 000 бosh кўй, 2000 бosh корамол топширилган, 350 уй куриб берилган. Шунингдек, ўзбек халки Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошка жойлардан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва гамхўрлик намуналарини кўрсатди. Жанг бўлаётган худудлардан кўчирилган бир милён эркагу хотин ва бола бошпана, кийим-бош ва озик-овкат билан таъминланди. 200 минг етим боланинг талай кисмини ўзбек оиласлари ўз карамоглариға олдилар, фарзандларидан кам кўрмай тарбияладилар. Ўзбек халки жангга кетган турили миллат вакилларининг оиласларидан хам моддий ёрдамини аямади. Минглаб болалар Болалар уйлариға жойлаштирилди. Давлат томонидан берилган ёрдам етарли бўлмагани учун ўзбек халки уларни иктисодий жихатдан кўллаб-куватлаб турди. Ўзбекистон 113 харбий касалхона — госпитални хам оталикка олди.

1943 йилнинг ўзида харбий хизматчиларнинг оиласлариға 24 милён сўм накд пул, 300 минг кийим-кечак, 50 минг бosh корамол, 40 минг центнер галла, 20 минг центнердан ошик сабзавот берилди.

Ўзбекларнинг талай кисми “Ишчи батальони”га — Россияга сафарбар килинди. Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва хунар билим юртини тамомлаган ёшлар хам бор эди. 1943 йилга тегишли маълумотда кўрсатилишича, “Ишчи батальони”дагиларнинг сони 155 минг кишидан иборат бўлган. Уларнинг ёши асосан 40-50 ва ундан хам ортирок эди. Кўпчилиги кишлок ахолиси хисобланиб, рус тилини билмаслиги ва совук хавога мослашмагани оркасида кўп кийинчилик ва машаккатларни бошдан кечирган. Яшаш шароитларининг огирилиги ва ўзларининг эскирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-укубат чекканлар. Мен ўзим Сибир госпиталида даволанаётганимда, ўлкамиздан боргандарнинг гадойчилик килиб юрганлигининг гувоҳи бўлганман. Уларнинг соч-соколлари ўсган, кийимлари яマルган ва кир босган эди. Уларнинг айтишига Караганда, очлик ва касалликдан ўлаётганлар оз бўлмаган. “Ишчи батальони”даги кишилар Ўрол, Караганда, Куйбишев, Саратов, Горкий, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославл, Красноярск, Хабаровск, Кемерово, Челябинск, Свердловск, Перм, Иркутск, Архангелск, Бошкirdистон, Татаристон, Удмуртия ва бошка жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ярим оч холда меҳнат килганлар. Ким канчаси она юртидан узок жойларда кафансиз кўмилганлар.

Фашистларнинг тор-мор килинишида Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган курол-аслаҳалар катта ахамият касб этди. Саноатнинг асосий кисми харбий курол ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, улар жанг майдонига узлуксиз юбориб турилди. Айрим маълумотларга кўра, 2100 самолёт, 17342 самолёт мотори, 17100 миномёт, 27 000 танкка карши отадиган замбарак кисмлари, 60 000 харбий кимёвий анжом, 22 милён мина, 560 000 снаряд, 2 милён 318 минг авиация бомбаси, 1 милён дона граната, 100 чакиримдан зиёд сим, дала радиостанциялари, танк ва самолётлар учун 3 милёндан ортик радиолампа, 5 бронепоезд, 18 харбий-санитар ва хаммом ўрнида фойдаланиладиган хамда кир ювиладиган поезд, 2200 кўчма ошхона олиб кетилди.

Муаллиф:

21.07.2014 07:12 -

---

Шунингдек, ўзбек халкининг шахсий пуллари хисобидан тайёрланиб, жанг майдонига юборилган курол-аслахалар хам кам бўлмаган. Масалан, танк колонияси ва авиаэскадирилия куриш учун ахолидан 320 000 000 сўм тўпланган.

Ўзбекистон 1943 йили немис-фашистларидан озод килинган худудларга ёрдам беришни бошлаб юборди. Масалан, мазкур йилнинг октябрида Ўзбекистондан Белоруссия, Украина ва Россиянинг душмандан тозаланган ерларига 800 нафар врач сафарбар килинди. 1944 йилнинг биринчи ярмида эса Украинага 300 тонна галла, 8300 бosh корамол, 6700 бosh кўй жўнатилди. 1943-44 йилларда озод этилган шахару кишлокларга Коракалпогистондан 45 800 000 бosh корамол ва кўй юборилди.

Тошкент темирийлчилари вагонларда турли хил жихозларни юбордилар. Собик Сталинградни тиклаш учун 350 нафар курувчи борди. Хоразмликлар Харковга хар хил кишлок хўжалик техникасини жўнатдилар. 1943 йил август ойида республикадан озод килинган жойларга 1152 трактор, 25 комбайн, 1138 омоч, 38 сеялка олиб кетилди.

Сентябр ойининг охирларида озик-овкат маҳсулотлари ва жихозлар тўлдирилган 374 вагон жўнатилди. 12 октябрда Украинага 450 вагонда совгалар билан бирга 300 тонна галла, 8300 бosh корамол, 10 минг жуфт оёқ кийим, 200 минг газлама моллари, касалхона, мактаб ва радиоузеллар учун жихозлар юборилди.

Воронеж ва Курск шахарларига 275 bosh корамол, 72 тонна галла, 24 тонна курук мева олиб кетилди. Булардан ташкари, республика бўйича 300 тонна галла, 180 тонна курук мева, 10 минг жуфт оёқ кийим, 200 минг метр газлама, 2600 минг сўм нақд пул, юк машинаси, телефон станцияси жўнатилди. Украина учун 350 трактор, 200 автомашина, 50 комбайн, 1500 омоч берилиди. Ставропол ўлкасига 1142 трактор, 400 сеялка 1142 нафар агроном ва хайдовчиси билан жўнатилди. Озод килинган жойларга Сурхондарё, Кашкадарё ва Бухоро вилоятлари 50 минг бosh кўй ва 190 минг bosh корамол юборган. Шунингдек, немис-фашистларидан тозаланган республика ва вилоятларга 1944 йили 100 000 китоб совга килинган эди.

1943-44 йилларда озод килинган ерларга Ўзбекистондан 13 000 дан ортик темирийл мутахассиси, хунар билим юртларидан 15 000 ёш йигит собик Ленинград, Киев ва Дунайга йўл олди. Ўзбек халкининг озод килинган жойларга кўрсатган ёрдами аслида сероб. Аммо умумий тушунча учун келтириб ўтилганлари етарли, деб ўйлайман.

Ўзбекистон саноат соҳасида хам катта ишларни амалга ошириб, Россия, Украина ва бошка жойлардан кўчириб келтирилган ўнлаб корхоналарни жойлаштириб, уларнинг ишчи-хизматчиларини бошпана ва озик-овкат билан таъминлади.

Ўзбекистонда харбий соҳада хам бекиёс ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикада 15 дивизия ва бригада тузилиб, уларда ўзбеклар салмокли ўринни эгалладилар. Ўша харбий кисмлардан ташкари ўн минглаб навкирон йигит харакатдаги армия сафларига юборилди. Тошкентдаги харбий билим юртлари фронт учун бир неча минг командир ва сиёсий ходимларни тайёрлади. Урушнинг дастлабки ойларида Тошкент шахрининг ўзидан 100 минг йигит ва кисман аёллар харбий хизматга жалб килинди. Айрим маълумотларга кўра, Ўзбекистондан бир милён киши фронтга олинган. Бирок бу ракам унчалик тўгри эмас, деб хисоблайман. Чунки Олмонияда тузилган “Туркистон легиони” 1 милён 800 минг кишини ўз ичига олган. Бу легионнинг раҳбарларидан бирининг сўзича, унинг таркибида тоҷик, козок, туркман ва киргизлардан ташкари ўзбеклар хам бўлган. Маълумки, жанг майдонларида ярим милёнга якин ўзбек халок бўлиб, колган ярим милёни ватанига кайтган. Бу икки ракам бир-бирига кўшилса, бир милён бўлади. Энди “Туркистон легиони” дагилар хисобга

## Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар

Муаллиф:

21.07.2014 07:12 -

---

олинса, жангга тортилган ўзбекларнинг сони анча ошиб кетади.

Ўзбеклар Украина, Белоруссия, Москва, Сталинград, Кавказ, Крим, Курск, Днепр, Марказий ва Жануби-шаркий Европадаги жангларда катнашиб, Берлингача бордилар. Шунингдек, Япония билан урушда иштирок килдилар, партизан урушларида мардонавор курашдилар.

Шу тариқа ўзбек халки Иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этишга молини хам, жонини хам тикди. Бамисоли топган битта нонини тўртга бўлиб, биттасини ўзига, колганини бевосита фронтга, сўнг республикага кўчириб келтирилганларга, жангга кетганларнинг оиласирига, харбий госпиталларга, фашистлардан озод килинган худудларнинг оч-ночор ахолисига берди. Айни пайтда бир милёндан ошик фарзандлари фашистларга карши жангларда мардонавор курашди. Улардан бир неча юз минг киши халок бўлди ва жарохатланди. Айни пайтда ўзбеклардан тузилган “Ишчи батальон”лар Россия ва бошка турли жойларда фронт учун фидокорона меҳнат килдилар.

Бевосита жангларда 27 000 000 кишининг ёстиги куриган, бошка талофатларни хам кўшганда 30 000 000 киши нобуд бўлган Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халкига хам бекиёс катта талофат келтириди. Минглаб аёллар бева ва болалар етим бўлиб колдилар. Ота-оналар фарзандлари додига кайгу-алам билан бу дунёдан кўз юмдилар. Уруш йилларида чек-чегараси йўқ харажатлар халкни шу даражада кашшоклаштириди, таърифлашга калам ожизлик килади. Канчадан-канча одамлар очлик ва касалликлардан ўлди. Уруш ўзбек халкининг бор-йўгидан тамомила айирди, кўрпа-ёстиги, бошка рўзгор анжомларидан мосуво бўлди, уй-жойи харобага айланди, оч ва юпун бўлиб колди. Очарчилик ва касалликлар кишлокларда авжига миниб, кўп одамларнинг ёстигини куритди. Болаларнинг орасида хам ўлим кўп учарди. Бирок шўро давлатининг эътиборсизлиги туфайли уруш вактида ортирилган кийинчилик ва азоб-укубатлар тамомила бартараф килинмади. Айникса, уруш ногиронларининг кадр-киммати ўрнига кўйилмай, улар ўз холига ташлаб кўйилди.

Хуллас, уруш йилларида машаккатли меҳнат ва азоб-укубатдан бошка нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги кайгу-алам гирдобида жон бердилар. Шунга ўхшаш уруш катнашчиларининг талай кисми ёруг кунларни кўрмади. Бирок шуни унумаслик керакки, ота-боболаримиз мисли кўрилмаган азоб-укубатлар ва талофатлар хисобига бутун инсоният бошига тушган оғатни бартараф килишга улкан хисса кўшиб, жаҳон тарихида ўчмас из колдиришди.

Бугун Мустакиллик шарофати или ўша мудхиш уруш йилларининг азобини тортган ва тирик колган баҳтли кишилар хаёт гаштини суриш шарафига муюссар бўлдилар. Мен хам шулар жумласиданман. Шахсан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташабbusи билан уруш катнашчилари ва меҳнат фахрийларининг кадр-киммати ўрнига кўйилиб, иззат ва хурмат кўрсатилмокда. Жанг майдонларида халок бўлганларнинг рўйхатини ўз ичига олган кўп жилдлик “Хотира” китоби чоп этилди. Хотира майдонида ажойиб мажмуа курилиб, халок бўлган хар бир инсоннинг номи зар харфлар билан битилди.

Республиканинг бошка шахарларида хам Хотира ёдгорликлари кад ростлади.

Ўйлайманки, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари келтирган даҳшатли окибатлар, умуман уруш фожиаси хакидаги мулоҳазаларимиз хозирги авлодлар учун фойдадан холи бўлмайди. Зоро, улар билан танишган хар бир шахс бугун озод юртимизда хукм сураётган тинчлик ва баркарорликнинг кадрига етиши керак.

**Хамид Зиёев, профессор**

## **Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар**

Муаллиф:  
21.07.2014 07:12 -

---

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 25-сонидан олинди.**